Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 12 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 69 (7066)

Da'vat

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму-зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Янги ўқув йилини Чимбой туманидаги Ережеп бобо номидаги мактаб ўқувчилари қушалоқ қувонч билан бошладилар. Бу ерда мактабнинг янги биноси ҳашар йўли билан қурилиб, фойдаланишга топшириларди.

Озод Ўзбекистон Республикасининг асосчиси ва биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ жанобларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Олий Мажлис XII сессиясида «Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови» мавзуида қилган маърузангиздан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни муҳокама қилиш учун республика семинар-учрашувига йиғилган биз — аълочи, фидойи талаба ва аспирантлар — Сизни буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги билан чин қалбдан самимий табриклаймиз.

Ҳар бир даврнинг ўз вазифалари ва ўз қаҳрамонлари бўлади. Бизнинг давр — миллатимизнинг тарихан қайта тикланиш, янги жамият барпо этиш даври. Инсонга, унинг билими, маънавиятига алоҳида эътибор қаратилаётган давр.

Биз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида, унинг ёш авлодида барча эзгу фазилатларни намоён этиш борасида Сизнинг доимий ғамхўрлигингизни чин юракдан миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз бутун ғайрат ва шижоатимизни, билим ва эътиқодимизни келажаги буюк давлатни қуришга бағишлаймиз. Бу олий мақсадни биз ўқув юртларида ташкил этилаётган «Фидойи ёшлар» клублари фаолиятида иштирок этиш орқали ҳам амалга ошириб борамиз.

Биз билимларни мустаҳкам эгаллашда барча имкониятлардан фойдаланамиз, бозор шароитида яшаш ва ишлашга лойиқ юқори малакали мутахассислар бўлиб етишамиз, ташаббускорлик, тиришқоқлик, мақсад сари интилишда собитқадамлик кўрсатамиз.

Ўқиш жараёнида ва амалий фаолиятда жаҳон ахборот тизимларига йўл очадиган ҳозирги замон компьютер техникасидан унумли фойдаланишни қунт билан ўрганамиз, хорижий тилларни пухта эгаллаймиз.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий давлат қуриш учун барча куч ва қобилиятимизни сафарбар этамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз ўзимизнинг яшаш жойларимизга, ўқув масканларимизга қайтгач, ушбу семинар-учрашувда кўтарилган масалалар, мустақиллик йилларида бениҳоя ўсиб, яшнаб кетган Ватанимиз пойтахти, унинг янги қурилишлари, кўчалари, музейлари, гўзал боғлари ва Тошкент аҳолиси билан бўлган самимий учрашувлардан олган таассуротларимизни курсдошларимизга, қариндошуруғларимизга ва барча дўстларимизга сўзлаб берамиз.

Сизга савобли ишларингизда катта ютуқлар, узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз.

РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга аълочи, фидойи талаба ва аспирантларнинг «Янгича яшаш ва ўқиш» республика семинар-учрашуви қатнашчиларининг

МУРОЖААТИ

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 8 сентябрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда нутқ сўзлаб, ушбу йўлнинг аҳамияти ва уни тиклаш билан боғлиқ барча масалаларга батафсил тўхталди.

• Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ва Бош вазири Бенямин Нетаньяху таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Исроилда бўлади.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Исроилга давлат ташрифи олдидан Исроил халқаро ахборот маркази директори Олег Ёқубовни қабул қилиб, уни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциянинг «Суэз Лионез дез О» компанияси гуруҳлари назорат кенгашининг раиси Жером Монод бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Афғонистон Президентининг вакили Туркия Президентининг Афғонистон муаммоларига бағишланган халқаро учрашув ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бу тадбирни ўз мамлакатидаги барча сиёсий гуруҳлар учун ягона имконият, деб баҳоламоқда.

• БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мэри Роббинсонга Хитойга ташрифи чоғида 140 дан ортиқ сиёсий махбуслар очиқ хат йўллаб, ўзларини озод этишга кўмак беришини сўрашган.

Munosabat

ИШОНЧ - СОБИТЛИК НИШОНАСИ

Қилинаётган ҳар бир иш, қўйилаётган ҳар бир қадам пухта ўйланган, аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлса, интиҳоси ҳамиша хайрли кечади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Озарбойжонга сафари олдидан журналистлар билан қилган мулоқотини кўрар эканман, кўнглимдан шундай ўйлар ўтди. Президентимизнинг Россиядаги бугунги воқелик, иқтисодий инқирознинг туб илдизларини очиб беришлари кўп нарсаларга ойдинлик киритди.

Мен Россия телекўрсатувларини кўриб бораман. У ерда юз очаётган қаҳатчилик унсурларини кўриб, очиғи бироз хавотирга тушган эдим. Бизга ҳам таъсир этмасмикан, деган иштиҳоҳга боргандим. Президентимиз сўзларидан кейин бу хавотиру шубҳалар тумандай тарқади - кетди. Чунки, юртбошимиз аниқ далил - мисоллар келтириб, кўпчиликни хотиржам этдилар. Эндиликда Ўзбекистон Россиядан фақат ишлаб чиқариш воситаларингина олаётгани, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари заҳираси етарли эканлигини бот-бот таъкидладилар. Президентимиз яна «Россия иқтисодини оғир хасталикдан олиб чиқиш, ким бўлишидан қатъий назар... шахсларга эмас, балки танланган йўлнинг тўғрилиги, мақсаднинг қай даражада аниқ-равшанлигига боғлиқ. Сиёсатдаги кичик хато ёки янглишиш ҳам иқтисодда катта ўпирилишларга олиб келиши мумкин...», дедилар.

Республикамиздаги барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изга тушаётгани, жаҳон андозаларига мос қад ростлаётган завод-фабрикаларимиз, яна сонсиз-саноқсиз ишлар биз бораётган йўлнинг аниқ-равшан эканлигидан далолатдир. Ушбу мўътадиллик кўнглимизда буюк келажагимизга бўлган ишончни янада оширади. Зеро, мустаҳкам ишонч собитлик нишонасидир.

Насиба ЙЎЛДОШЕВА,
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги 1-ўрта мактаб муаллимаси



Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетининг япон тили мутахассислари ва шу тилни ўрганувчи талабаларга катта ёрдам беришаяпти. Улар кўмагида университетда очилган япон маркази замонавий жиҳозлари билан талабалар билимини оширишда жуда қўл келяпти. Шунингдек, элчихона талабаларинг Японияга бориб ўқишлари учун грантлар ажратаяпти. Яқинда университетга Японияниг Ўзбекистондаги элчиси Коунчи Обата ташриф буюрди. Элчи жаноблари талабаларга китоблар, дарсликлар, журналлар совға қилди. У учрашувда элчихона ҳисобидан 3 та лингофон хонасини жиҳозлаб беришни ваъда қилди.

Суратларда: Япон марказида талабалар совға қилинган янги китоблар билан танишмоқда.

В.ПОРТНОВ олган сурат

Ўқитувчи ён дафтарига

ЎЙНАБ-ЎЙНАБ ЎРГАНАМИЗ

Копенгаген шаҳрида бир ажойиб «кутубхона» борки, унда китоблар ўрнига ўйинчоқлар сақланади. Болалар бу ердан хоҳлаган ўйинчоқларини уйларига олиб кетишлари ва бир хафтагача ўйнашлари мумкин. Ўйинчоқларга яхши муносабатда бўлган болалар совғалар билан тақдирланади. Аксинча, авайламаганларга бирмунча вақт ҳеч нарса берилмайди.

САВОДГА УНДАЁТГАН КИТОБ

Машҳур футболчи Пелени Бразилия маориф вазирлиги саводсизликка карши курашдаги муваффаққиятлар учун бериладиган олтин нишон билан мукофотлади. Боиси, футболчининг «Мен — Пеле» деб номланган китоби Бразилияда зўр қизиқиш билан ўқилмоқда. Минглаб саводсиз кишилар эса, асар билан шахсан танишиш мақсадида алифбони махсус ўрганиб, савод чиқаришмоқда.

ХУШЧАҚЧАҚ СИЧҚОНЛАР

Кулгу фақат инсонга хосми? Сичқонлар устида тажриба ўтказган америкалик биолог олимлар ҳайвонлар ҳам хоҳолаб кулишлари мумкинлигини исботлашди. Улар сичқонларнинг қитиғига тегиб, кулгуларини магнит тасмасига ёзиб олишга эришдилар.

СУВ ТАГИДА СИР ЎЛ

Мутахассисларнинг фикрича, океанлар тубида рак, артрит, эпилепсия ва бошқа бир қатор бугунги тиббиёт ожиз бўлиб турган касалликларнинг олдини олувчи доривор моддалар мавжуд. Улар сув ости ўсимликлари ва ҳайвонларида бўлар экан. АҚШдаги ракни ўрганиш миллий институти олимлари шундай ўсимликлардан «Бриостатин» моддасини тайёрлаб, айни кунда тиббий тестдан ўтказмоқдалар.

Faxr

САБОҚЛАР МАДҲИЯМИЗ БИЛАН БОШЛАНАДИ

Мавжудликнинг ҳам муҳим шартлари мавжуд. Агар шу талаб бажарилмаса, у йўқликка юз тутади. Дейлик, кишининг онги, жамиятнинг мафкураси, давлатнинг эса муайян рамзларигина шу ер устида мавжудлигини ифодалаб бериши мумкин.

Яқинда республика Халқ таълими вазирлиги жойлардаги барча халқ таълими бошқармаларига муҳим бир тавсияни тақдим этди. Унинг моҳияти бугунги таълим муассасаларида маънавиятимизнинг бош мезони бўлган давлатимиз рамзлари - Мадҳия, Герб, Байроқни ўқувчилар тафаккурига чуқурроқ сингиришдан иборат. Демак, бундан кейин таълим муассасалари ўқув ҳафтаси ибтидосини давлатимиз Мадҳиясини ижро этиш ва Байроғини кўтариш билан бошлайдилар. Ҳафта давомида ҳар бир синфдаги биринчи дарс ҳам давлатимиз Мадҳияси ижроси билан очилади. Ўқув ҳафтасининг сўнгги кунида эса Мадҳиямиз ижро этилиб, Байроқ туширилади. Хуллас, барча таълим масканлари ҳар бир ўқув ҳафтасини шу тариқа кутиб олиб, шу тариқа кузатишлари лозим.

Дарҳақиқат, бу тадбирдан не маъни эканини юқорида айтган эрсакда, яна бир оғизгина айтгимиз бор: бугун дунё давлатлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлган Ўзбекистон аталмиш давлат бор. Буни ҳар биримиз ҳис этмоғимиз даркор. Болаларимиз кўнглида эса шу ҳисни ўстирмоққа барчамиз масъулмиз.

Мухбиримиз

Qutlug' ostona

САРОЙНИНГ «ОЛТИНЛИ» БОЛАСИ

Сиз газетамиз орқали пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройи ҳақида кўп ўқигансиз. Лекин ўша саройнинг шу кунлардаги ички имкониятлари, оламшумул ютуқлари ҳақида унча кўп ўқимагансиз. Яхшиси, келинг, сизга куни кеча бўлиб ўтган саройдаги ажойиб бир йиғилиш ҳақида айтиб берай.

Аслида «ажойиб йиғилиш» атамаси бир оз ғалатироқ туюлсада, ростдан ҳам шундай бўлди. Аввало саройда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан йиғилганларнинг барчасини Республика халқ таълими вазири Жура Йўлдошев қизғин табриклади. Ва ўқувчиларга мамлакатимизнинг эртанги куни улар олдига қандай вазифалар қўяётгани хусусида айтиб ўтди. Сўнгра саҳнага шу саройнинг фахрли ўқувчилари Саидмалик Акбаров ҳамда Фарҳоджон Собитовлар кўтарилишди. Ушбу ўқувчилар Туркияда ўтказилган «Халқаро болалар кўргазмаси» кўригида бири олтин, иккинчиси бронза медалига сазовор бўлишган эди. Ушбу мукофотларни вазир тантанали равишда соҳибларига топширди.

Дарҳақиқат, мана ўқувчилар саройида олиб борилаётган таълимнинг натижалари. Натижа эса сабабсиз бўлмайди. Ўқувчилар саройидаги бу хил ютуқларнинг сабаби эса тарбиячиларнинг бугунни масъулиятини ҳис этиши бўлса керак. Биз ана шундай тушундик.

А.НАЗАРОВ

Taraddud

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Узбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Ушбу кун Президентимиз томонидан таълим ходимларига қилинган яна бир ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлиб тарихга кирди. Утган йили республика миқёсида кенг нишонланган байрамда Президентимизнинг бундай эътиборидан иштирокчиларнинг кўзлари ёшлангани ҳамон ёдимизда. Улар таассуротларини мужассамлаштириб «Саодатбахш кунлар шоҳиди бўлдик» дея дил сўзларини изҳор этишганди.

Айни кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (16.07.1998 й.) фармойиши асосида халқимизнинг устоз иззатини жойига қўйишдан иборат азалий анъаналари бардавомлигини таъминлаш ва ёш авлодни юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялашга, уларни замон талаблари даражасида билимлар билан қуроллантиришга ўз ҳаётларини бахшида этган, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда фаол иштирок этаётган барча инсонларни муносиб шарафлаш ва уларни тақдирлаш, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлашни ташкил этиш учун амалий ишлар қилинаётир.

Ушбу байрамни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг мажлиси (24.07.1998 й.)да таъкидланганидек, «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрамини республикамизнинг барча ҳудудларида юксак даражада, уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш устувор вазифадир.

Мажлисда тасдиқланган дастурга кўра, умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар 29 сентябрь куни ўтказилади. Бу тадбирларга вилоятлардан Давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йилнинг энг яхши дарслиги муаллифи» танловлари ғолиблари, илғор муаллимлар, мураббийлар таклиф этилади. Улар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасида, «Камолот», «Соғлом авлод учун» ва бошқа жамғармалардаги маросимларда қатнашадилар.

Тантаналар барча шаҳар ва туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда, мактабларда, ўқув юртларида давом этади. У ерда ҳомий ташкилотлар ҳам ҳимматларини кўрсатишади. Тантанали мажлисларда илғор ўқитувчилар ва мураббийлар тармоқ мукофотлари, совғалари билан тақдирланадилар. Байрамга фахрий педагоглар ва меҳнат фахрийлари таклиф қилинади. Нафақадаги нуроний ва ногирон педагоглар байрам муносабати билан йўқланади, уларга совғалар топширилади.

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАЛАРДА ВАТАН ЖАМОЛИ
2-бет

1998-1999 ўқув йилида «Ўзбекистон тарихи» дарсларини 5—11-синфларда ўтиш бўйича методик тавсиялар
3-бет

XABARLARI — MMM

Yangi musiqa dastasi

Bog'dod tumanidagi 16-musiqa va san'at maktabida yosh, iqtidorli pedagoglar tashabbusi bilan 10 nafar o'qituvchi va 12 nafar o'quvchilarni birlashtirgan musiqiy dasta tuzildi. Ular tuman korxona, tashkilotlar va dala mehnatkashlariga o'z san'atlarini namoyish etishni ko'zlayapti.

M.Ortiqov

Samimiy uchrashuv

ToshDUning madaniyat saroyida O'zbekistondagi taniqli 25 nafar jurnalistlar bilan qiziqarli uchrashuv bo'lib o'tdi. Uchrashuvda sevimli yozuvchimiz Xurshid Do'stmuhammadning samimiy chiqishi talabalar uchun unutilmas bo'lib qoldi. Ular jurnalistlardan qisiqqan savollariga qoniqarli javoblar oldilar.

B. Botirov

Tashxis markazida seminar

Marhamat tumani XTB qoshidagi tashxis markazida viloyatdagi tuman va shahar XTBlari va sog'liqni saqlash bo'limlari pedagog-psixologlari, bolalar shifokorlari ishtirokida viloyat seminari bo'lib o'tdi. Muhokamada asosiy masala 6 yoshli bolalarni maktabga tayyorlash borasidagi ishlar bo'ldi.

A.Eraliyev

Milliylik ruhida

Qo'rg'ontepa tuman XTBga qarashli «Quyoshcha» nomli 2-bolalar bog'chasida tashkil qilinayotgan tadbirlar, uchrashuv va kechalar kichkintoylarning ma'naviy dunyosini boyitishga qaratilgan. Bolalar maskanida o'yinlarni, mashg'ulotxonalarni ham milliy, o'zbekona tashkil qilishga e'tibor berilmoqda.

Sh. Keldiyev

MMM — XABARLARI

DIYDORLASHUV

O'zbekiston mustaqilligining 7 yillik bayrami Farq'ona viloyati Beshariq tumanidagi Furqat nomidagi 26-o'rta maktab jamoasi uchun qo'shaloq bayramga aylanib ketdi. Bayram arafasida mazkur maktabning 10-sinfini 1968 yilda tamomlagan sinfdoshlar maktabni tugatganlariga 30 yil to'lganligini nishonladilar.

H. TOJIMATOV

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

(Боши 1-бетда)

1 октябрь куни эса барча ҳудудларда халқ сайиллари ўтказилади. Байрам тадбирлари ўтадиган жойлар мустақиллик руҳидаги ва таълим-тарбия тўғрисидаги ҳикматли сўзлар ҳамда турли жиҳозлар билан безалади. Ўқувчиларнинг ижодий ишлар кўргазмалари ташкил қилинади. Шунингдек, озиқ-овқат, халқ истеъмол ва саноат моллари, халқ хўжалиги маҳсулотлари, доридармонлар, китоб савдолари уюштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитаси навбатдаги йиғилишида ҳам жойларда ушбу байрамга тайёргарликнинг бориши ҳамда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев раислик қилди.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими Бош бошқармаси белгилаган тадбирлар хусусида сўз юритди. Ҳисоботга кўра, байрам арафасида илм масканларида қизиқарли тадбирлар ўтказилади, учрашувлар ташкил қилинади, оммавий спорт мусобақалари уюштирилади. Байрам куни эса Ўзбекистон Миллий боғида, Сайилгоҳ кўчасида, туманларнинг энг хушманзара жойида санъаткорлар ўз санъатларини намойиш қилишади.

Муҳими, байрам муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги нафақага чиққан, аммо меҳнат жабҳасини тарк этмай, ҳамон муаллимлик касбини эъзозлаб келаётган устоз ва мураббийларни тақдирлаш учун 3 миллион сўм пул, 400 та бепул йўлланма ажратгани эътиборга лойиқдир. Бу совғалар уларга байрам кунлари тақдим этилади.

Байрамни уюшқоқлик билан ўтказилишига доир йиғилишда Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиқлари Марат Шафиев, Гуландон Алимова, Маданият ишлари вазирлиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эсон Уриновнинг ҳам ахборотлари тингланди. Шунингдек, «Туркистон» саройида 29 сентябрда ўтадиган йиғилиш сценарийси ва байрамни ўтказиш бўйича билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, баъзи масалаларга аниқликлар киритилди. Байрам тантаналарида иштирок этиш учун вилоятларга масъул ходимларни хизмат сафарига юбориш юзасидан кўрсатмалар берилди. Қисқаси, Халқ таълими вазирлигида умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўриляпти.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов иштирок этди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Ранг-баранг мавзулар, фактлар, иллюстрацияларга бой «Ислом Каримов - Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти» китоби ўқитувчилар учун 5-11-синф ўқувчиларига республикамиз, унинг тараққиёти ва маданияти ҳақида суҳбатлар ўтказишда ажойиб қўлланма бўлиб қолди. Янги ўқув йили бошланишиданоқ, Тошкент шаҳридаги 165-мактабда ушбу қўлланма асосида мустақиллигимизнинг 7 йиллиги ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказилди.

Суратларда: 9-«Б» синф раҳбари Ҳалима Аширова шогирдларига Мустақиллик дарсини ўтаяпти.

Мактаб директори В.Нурмуҳамедова 5-синф ўқувчиси Мирумар Маҳмудовга ўқув дарсликларини топширяпти.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар



1998 yil — Oila yili

КУРТАКЛАР ҒУНЧА ОЧАДИ

Ўзбек халқи азалдан оилапарвар. Оила ҳукуматимизнинг ҳам доимий диққат марказида. Мазкур йилимизнинг «Оила йили» деб эълон қилинганлиги оилага бўлган эътиборни янада кучайтирди. Ҳукуматимиз томонидан оилаларга беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда, турли тадбирлар ўтказилаётир.

Шу ҳафтада республика Таълим марказида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий семинар «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари»га бағишланди.

Анжуманни республика Таълим маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, ЮНЕСКОнинг республикамиздаги вакили Майкл Барри Лейн, доктор Марлена Буш ва бошқаларнинг табриклари, мавзу бўйича фикр-мулоҳазалари тингланди.

Кун тартиби бўйича психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров, республика илмий-амалий «Оила» марказининг бўлим бошлиғи Д.Шарипова, ЮНЕСКО вакили Марлена Буш ва бошқалар ўз маърузаларида: инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида оила муаммоларини ўрганиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хорижий давлатларда оила масалалари ва уларнинг тажрибаси, оиланинг моҳияти ва функциялари, оилани режалаштиришнинг она ва бола саломатлигига таъсири, ўспирин ёшларнинг психологик хусусиятлари, оилада шахслараро муносабат, никоҳ олди омиллари ва уларнинг никоҳни мустаҳкамлашдаги таъсири, ўтмиш мутафаккирларининг оиланинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги қарашлари ва бошқа қатор масалалар устида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Илмий-амалий анжуманда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш юзасидан янги дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш масалаларига ҳам кенг эътибор қаратилди. «Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Оилавий ҳаёт психологияси» фани мавзуси муҳокамаси қизғин баҳс мунозаралар теварагида кечди.

Шунингдек, семинар иш режасидан ўрин олган намунавий дарс, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари билан учрашув, психологик тренинглар, академик лицей ўқувчилари билан сценарийлар устида ишлаш, ота-оналар билан суҳбатлар анжуманнинг ранг-баранг, қизиқарли ва сермазмун ўтишига хизмат қилди. Республикамизнинг соҳа мутахассислари, психолог ўқитувчилари учун мўлжалланган мазкур бир ҳафталик семинар бугун ўз ишини тугатди.

З.УСМОНОВА

ИЛК КУНЛАРНИНГ ИЛИҚ ДАРАКЛАРИ

Tuhfa

Мана ўқув йилининг дастлабки ойи ҳам ўтиб боряпти. Ёзги таътилдан қайтган ўқувчилар ўқув машғулотларига аллақачон киришиб кетишди. Айниқса, 1-синф ўқувчиларининг ҳаяжонлари ҳали поёнига етгани йўқ. Улар икки ҳафта олдин 12 турдаги муҳим ўқув қуролларидан иборат Президент совғаларини олиб, илм ва ижод йўлига қадам қўйгандилар. Ўқув ишлари ибратли ташкил қилинган муассасаларда 1-синф ўқувчилари Алифбо сабоқларини муваффақиятли бошлаб, болаларга хос рақобат билан билим олмоқдалар.

Мактабларнинг айни 1-синфларида дарсларнинг ташкил қилиниши, ўқув жараёнлари, шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларига бўлган муносабатни ўрганиш мақсадида пойтахтдаги айрим ўқув муассасаларида бўлдик.

Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабда ибратли ишларга кўзимиз тушди. 1-синфларга учта гуруҳ, жами 103 нафар ўқувчи қабул қилиниб, ўқув йилининг дастлабки кунида ота-оналар иштирокида Президент совғалари ва дарсликлар тантанали равишда топширилган. Мактаб директори Иноят Валиеванинг айтишича, ёз ойларида ўқувчиларни мактабга тайёрлаш, қуникмалар ҳосил қилиш учун курслар ташкил қилинган. Айни пайтда иқтидорли болалар сараланиб, иқтисодий билимларга ихтисослашган алоҳида синфларга жамланган. 1-синфларда дарс берувчи ўқитувчиларнинг аттестация натижалари янги алифбо бўйича малакалари ҳисобга олинган. Ота-оналар билан мустаҳкам ижодий алоқа йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Шунингдек, Собир Раҳимов туманидаги 146-мактабнинг 1-синфига 6 та гуруҳ қабул қилинибди. Мактабнинг бошланғич синфлар илмий мудираси Маҳсума Асқарҳўжаева билан суҳбатлашганимизда қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз биринчи навбатда 1-синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратлари, услубларига катта эътибор берамиз. Ҳар бир ўқитувчи меҳнатининг самарасини бир-бирига қиёслаш, натижаларига кўра рағбатлантириб бориш уларни ижодийликка ундайди. Ўқувчиларимиз эса, кўриб турганингиздек алоҳида эътибор билан жиҳозланган синфхоналарда ўқишяпти. Президентимизнинг 1-синфларга аталган совғаларини мамнуният билан қабул қилиб олишди.

Шу мактабнинг 1-синф ўқитувчиси Гуля Загрутдинованинг фикри ва мақсади қуйидагича:

— Илк кунлардан бошлабоқ, истиқлол тенгдошлари ўз зукколиклари, қобилиятларини намоён қилишга улгуришди. Бу қувонарли албатта. Эндиги асосий масала ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари ва имкониятлари билан ҳисоблашиб иш олиб боришда. Демоқчиманки, 1-синф ўқувчиларини юқори синфларга ёруғ юз билан кузатиш масъулиятини сезиб ишлаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув машғулотлари жараёнига жиддий муносабатда бўлиш ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бугун ўқув масканларига илк қадамларини қўйган болажонлар 10-15 йилдан кейин уша масканнинг кўзгудаги акси бўлиб намоён бўладилар.

Ф.КАРИМОВ

ЖУМЛАЛАРДА ВАТАН ЖАМОЛИ

Insho

Етти йилдан бери мустақил яшаб келаётган она юртимизнинг таърифини келтириш, унинг муваффақиятларини таҳлил этиш, озод ватаннинг янгича қиёфасини чизиш умидли ёш авлод вакиллари томонидан амалга оширилишини кузатиш кишида алоҳида кўтаринки кайфият уйғотади. Шу маънода Республика халқ таълими вазирлиги, Республика «Улуғбек» истеъдодли ёшларни қўллаб-қуватлаш жамғармаси, Узтелерадиокомпанияси «Маориф ва тарбия» таҳририяти ҳамда Туркиянинг «Демир» ширкатлар гуруҳи ҳамкорлигида ўқувчи ёшларнинг «Озодлик ўлкаси» номли республика танлови ўтказилди. Танлов асосан инша, рассомлик, ҳунармандчилик.... каби йўналишларда кечди. Натижада эса Китоб туманидаги 3-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Замира Жовлиева танловда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Озодлик ўлкаси» танловида қатнашган ёшлар ижодининг аксариятида янгича ҳаёт нафаси кезиб юрган ватан тароватини, шукуҳини, сўлим табиатини кўрсатиб беришга алоҳида бир интилиш борлиги сезилиб туради. Дейлик, ушбу ғолиб ўқувчимизнинг иншосидаги жумлаларга диққат қилинг:

... Пурвиқор тоғлар, сокин дарёлар, буюкликни орзу қилиб юксакликка интилган шўх жилғалар, йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳосили олтинга тенг жаннати боғлар, юртим шуҳратини дунёга ёйган оппоқ пахтазор, қуёшнинг заррин нурлари қалбига меҳр-мурувват, саҳоват, эзгулик, бахт-саодат уруғларини сочган меҳнаткаш, бағри кенг одамлар митти юрагимга жойлашган тенгсиз бир ғурур, енгилмас қувончнинг тип-тиниқ чашмаси — ВАТАН.

Ёки танлов иштирокчиси, Нурота шаҳридаги 1-гимназия ўқувчиси Ҳулкар Хўжамова бир шеърида шундай дейди:

Байроғин кўтариб Ўзбекиситоннинг
Қадамлар ташлагин келажак сари.
Дилингда мадҳия куйлансин сенинг,
Дадил бўл, сеники барчаси, бари.

Муаллифларнинг аксарияти Ватан тушунчасини англаш ва ҳис этиш ва идрок қилишни ўз киндик қонлари тўкилган муқаддас жойнинг манзарасини таърифлаш, тараннум этишдан бошлагани бежиз эмас. Шу тариқа Ватан ичра,Ватан орқали мустақил юртнинг сарҳадлари, бепоён манзаралари намоён бўлади. Қоғозга кўчган сатрлар замирида она юртимизнинг қиёфаси бирин-кетин бутун бўйбасти билан гавдаланаверади.

Энди Янгиқўрғон туманидаги 51-мактаб ўқувчиси Нилуфар Қурбонованинг ёзганларига эътибор қилинг:

... Ватан туйғуси бу киндик қоним тўкилган жойдан бошланиб, онам қиёфасида Ватаним жамолини тасаввур этаман. Ватан туйғуси фақат она ер гўзаллигини ҳис этишнинг ўзи билан тугамайди. Уни яна ҳам чуқурроқ ҳис этиш учун инсон шу заминга вужуди билан сингиб кетиши лозим. Ўз ватанини севиш, у билан фахрланиш, Она-Ватан бахт-саодати йўлида унинг манфаатлари йўлида курашиш демакдир.

Болаларимизнинг қунгил сатрларини ўқиймиз. Беихтиёр юракда умид ва орзулар ёлқини чечак оттандек бўлади. Ватан мустақиллигининг сир-синоати , саодати ва салоҳияти жумлалар ортидан мўралаб тургандек кўринади.

Истеъдод — халқ мулки. Айнан шулар жамиятни харакатга келтирувчи кучдир. Ушбу танлов иштирокчилари орасидан ўзини ватан тақдиридан айри ҳолда тасаввур эта олмайдиган, бильакс ўзи ва Ватан тақдирини ботиний боғлиқлик ҳолида тушунадиган, давр масъулиятини ўз елкаларида кўтара оладиган ёш истеъдод соҳиблари — КАТТА ИНСОНЛАР етишиб келаётгани қувончли ҳолдир.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ ,
Улуғбек жамғармаси Бош директорининг биринчи муовини,
Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат» нинг махсус мухбири

ТАНТАНА

Хўжайли туманидаги Ойбек номли деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудида давлат маблағи ҳисобидан 480 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ана шу қувончли воқеага бағишланган тантанали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов сўзга чиқиб, янги илм масканининг ишга туширилиши Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёш авлодларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин мисолларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Янги мактаб биносининг фойдаланишга топширилиши ўқитувчилару ўқувчилар билан бир қаторда ота-оналарни ҳам беҳад мамнун этди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ҚАДРИЯТЛАР МОҲИЯТИ ВА АДАБИЁТ

Tahlil

Қадрият –инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган, шу боис инсоният томонидан қадрланадиган маданий, маънавий, мафкуравий, сиёсий, иқтисодий омилларнинг мажмуидир.

Ёш авлодга қадриятнинг моҳиятини англатиш, унинг заминидаги эзгуликка амал қилишга ундаш, уни эъзозлаш руҳида тарбиялаш кишининг комил инсон бўлиб етишишини таъминлаш билан баробардир.

Бунга эришишга имкон берадиган воситалар ичида бирламчиси адабиётдир. Чунки адабиётда қадриятлар уйғунликда ўз ифодасини топади, қолаверса, қадриятнинг моҳияти, унинг замиридаги эзгуликка ундовчи фикр болалар онгига тўғридан-тўғри эмас, балки руҳи, туйғуси, сезгисига таъсир қилиш орқали сингдирилади.

Аслини олганда, энг олий қадрият инсоннинг ўзи. Бироқ шўролар даврида инсон қадрланмади. Халқимизнинг улуғ фарзандлари – Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобурни унутишга, «инсонларнинг инсони» сифатида Ленинни тараннум этишга зўр берилди. Ҳақиқат ҳар қанча яширилмасин, кунлар келиб бари бир кимнинг қандайлиги ошкор бўлди.

Албатта, эски манбалардан озиқланган авлод бугунги кунда ҳам Темур даҳосини ҳали тўла англаб етганича йўқ. Зеро, фактларақамлар, таъкидлар, фикрлар улуғ шахс ҳақида тўла тасаввур беролмайди. Бу борада бадиий асарнинг аҳамияти улкан. Бадиий асарда инсоннинг ички олами, дунёқараши, ўй-фикри ўз ифодасини топади, бутун сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Шу жиҳатдан атоқли тарихшунос олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» роман-хроникаси ёшларга буюк соҳибқирон ҳақида ҳаққоний тасаввур беришда муҳим қўлланма бўла олади. Чунончи, бу асар соҳибқирон ҳақидаги турли қарашларга барҳам беради, Амир Темур даврининг ҳақиқий аҳволи, маданияти, одамлари ахлоқи, урф-одати, сиймолар хусусида аниқ тасаввур уйғотади.

Албатта, роман орқали мазкур тарихий фактлар билан танишган, тўғрироғи, ҳақиқатни билган ёшлар ўтмишда аждодлари ким, давлати қандай бўлганлигини англаб, кўкси тоғдек кўтарилади ва Ўзбекистоннинг мустақиллиги қонуний ҳамда келажаги порлоқ эканлигига ишончи ортади. Романнинг миллий қадриятларни англатишдаги тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир.

Инсон маънавий оламини бойитадиган, уни қалб изтиробига дучор этадиган ножўя хатти-ҳаракатдан қайтарадиган омиллар ҳам улуғ қадрият саналади, шуларга амал қилиш камолот сари ташланган қадамни белгилайди. Пиримқул Қодировнинг «Она лочин нидоси» асари ана шундай хусусиятга эгалиги билан аҳамиятлидир. Романда фаолият кўрсатадиган деярли барча қаҳрамонлар тарихий шахслардир. Ёзувчи инсоний ички кечинмалар жараёнини, изтироблари моҳиятини фалсафий талқин қилади, тарихий воқелик инсон фаолияти, қисмати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Ёзувчи ўткир зеҳнли, зукко инсон Шоҳруҳнинг қайтаришига қарамай, хушомадгўйларнинг «ҳали ҳам баҳодир йигитдайсиз. Хитойга юришдан яна бир оламшумул ғалаба билан қайтишингиз аниқ», деган гапига ишониб Амир Темурнинг қилган юришининг оқибатидан муҳим хулоса чиқаради. Яъни булутлар улкан тоғларнинг маҳобатини киши нигоҳидан тўсиб қўйганидек, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ҳам тафаккур йўлига тўсиқлик қилиб, тўғри, адолатли йўл тутишга монелик қилиши муқаррар эканлигига кишида ишонч ҳосил қилади. Асардаги бу талқин ёшларга катта ибрат мактаби бўлиши, шубҳасиз.

Романдаги яна бир ўринни алоҳида таъкидламоқ жоиз, деб ўйлаймиз. Қишнинг чилласида олтмишдан ошган Гавҳаршод бегим Абдуллатифни Ҳиротга қайтариш учун отланди. Бундан мақсад, ўғли Улуғбекнинг тинчини кўзлаш ҳамда келажакда юз бериши мумкин бўлган катта хавфнинг олдини олиш эди. Бу воқеа тасвирида Улуғбек шоҳ сифатидагина эмас, онага ўта меҳрли фарзанд, қувваи ҳофизаси кенг аллома сифатида бўй кўрсатади. Ёзувчи она-бола меҳри тасвирида инсоний хислатларни кўрсатар экан, ўз навбатида унинг илдизини ҳам очиб беради. Улуғбек онасига шундай дейди: «Ҳазрат онажон, ёдингиздами? — деди Улуғбек, — мен уч-тўрт ёшлик бола эканимда Ҳамза ибн Али деган қиссахоним бор эди.

—Ҳа, ҳа узоқ Султонияда, Табриз томонда, Ҳамзани соҳибқирон бобонгиз Сизга қиссахон қилиб тайинлаган эди». Демак, Улуғбек ёшликдан адабиётга яқин бўлган. Ҳозирги кундаги айрим зиёлиларнинг маданияти, маънавияти кўнгилдагидек эмаслигини ёдга олсак, ёзувчининг ушбу вазиятни тасвирлашдан кўзлаган мақсадини англаб етиш мумкин. Ва бу каби тасвирлар ёшларга ибрат бўлиши тайин.

Мустақилликдан сўнг юзага келган асарларда табиат ва ҳайвонот оламига бўлган муносабат ўзининг тўғри аксини топа бошлади. Шундай асарлардан бири Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романидир. Асар қаҳрамонлари — Убайдулла чавандоз, Зокир булбул, Тиркаш бобо, Рашид боболар табиатга жуда яқин кишилар. Улар Рангон тоғининг ҳар бир гиёҳини, ҳайвонот оламини беҳад севишади, табиат билан инсон қисмати кўринмас ришталар орқали боғланганлигини ҳис қилишади, абадий қонуниятларга бўйсунишади.

Шўро даврида инсон қадриятини англатиш йўлида бадиий асарлар ёзилмаган, десак хато қилган бўламиз. Мазкур йўлда воқеликни бир томонлама акс эттирган асарлар билан бирга, ҳақиқат ўз ифодасини топган, қадрият моҳияти тўғри очиб берилган асарлар ҳам ёзилган. Бундай асарлар таъсирида киши ўзлигини англаб, мустақилликка интилгани, эрк халқнинг орзусига айлангани инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Албатта, бу асарларнинг аввалида «Ўтган кунлар» романи туради. Атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳам шундай асарлар сирасидандир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда миллий қадриятларни тиклаш йўлида шаҳид кетган Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби фидойиларнинг бадиий сиймосини эпик кўламда яратиш ёшларга миллий қадриятлар моҳиятини янада теранроқ сингдиришда асқотади. Бадиий адабиётнинг ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашдаги аҳамияти беқиёсдир.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

КАСБ ФИДОЙИСИ

Умрнинг 43 йилини бир мактабга бахшида этиш, бу мактабга садоқат, касбига бўлган фидойилик. Шундай экан, Зомин туманидаги А.Навоий номидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси Маъмур Сафаровни ҳам фидойи инсон дейишга ҳаққимиз бор.

М.Сафаров 1955 йилда 1 ўрта мактабни битказибоқ, ўзи севган касб этагидан тутди, яъни «Дайлак уя» қишлоғида ташкил этилган 16-сон етти йиллик мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Шундан бошлаб ҳаёти ҳам ушбу мактаб ҳаётига тақдирдош. У пайтларда мактаб биноси ҳам йўқ эди. Машғулотлар одамларнинг уйларида олиб борилларди. Тушгача дарс ўтилса, тушдан кейин ҳашар йўли билан 3 хонали мактаб биноси қурилди. Йиллар ўтиши билан мактаб биноси ҳам кенгая борди, ўқувчилар сони ҳам орта борди. Натижада 16-мактаб 1960 йилда саккиз йиллик мактабга, 1968 йили эса ўрта мактабга айлантирилди. «Дарахт бир жойда қўқаради» деган ақидага амал қилган М.Сафаров, шу мактабда ўқитувчиликни давом эттирди. Саккиз йил тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1996 йилдан 1998 йил январгача мактабга директорлик қилди.

Ҳозирда олтмиш бир ёшни уриб қўйиб, қарилик нафақасига чиққан бўлса-да, ўзининг севимли касбидан, кўз унгида камол топган жонажон мактабидан, шогирдларидан (ҳозир мактабда ишлаётган 45 ўқитувчининг деярли барчаси у кишининг шогирди) кўнгил узолмаяпти. Ўқитувчилик ишини давом эттираяпти.

Р.МАЛИКОВ

ТАРИХ САБОҚЛАРИ ИНСОННИ ҲУШЁРЛИККА ЎРГАТАДИ

ёхуд 1998-1999 ўқув йилида «Ўзбекистон тарихи» дарсларини 5—11-синфларда ўтиш бўйича методик ТАВСИЯЛАР

Ватан тарихидан ҳикоялар
(5-синф)

5-синфда ўқувчилар мамлакатимиз тарихига оид энг муҳим воқеалар билан қисман танишадилар.«Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихи»га оид I боб (5 соат) материаллари ўрганилаётганда ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини қадимги дунё тарихи акс эттирилган қадимги ёзма манбаларнинг асосий мазмунига қаратиши лозим (Бехустун ёзувлари, «Авесто»даги маълумотлар, Герадот, Страбон, Арриан каби антик давр муаллифлари, Муғ тоғидаги топилмалар, Сўғд ва Ўрхун ёзувлари, ат-Табарий, Наршахий, Беруний ва бошқаларнинг ишларидан). Чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул бўлган қадимги давр одамларининг жойлашган манзилларини санаб ўтиб, уларни харитадан кўрсатиш керак.

Ўқувчиларни Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлат бирлашмаларининг тузилиши тарихи билан таништириш (Хоразм, Бақтрия ва бошқалар) лозим. «Ўзбекистон халқларининг босқинчиларга қарши кураши» мавзуси ёритилаётганда Ўзбекистон халқларининг ғанимларга қарши қаҳрамонона курашини акс эттириш зарур (Тўмарис, Широқ, Спитамен). Дарсни юқори савияда ўтказиш, ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ғояларини шакллантиришга эътиборни қаратиш керак.

Туркий халқларнинг ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида сўз юритилганда, уларнинг тилини ва туркий Рун ёзуви хусусиятларини кўрсатиб бериш, Сиёвуш ва Афросиёб ҳақидаги афсоналар, Маҳмуд Қошғарийнинг «Туркий сўзлар луғати» ҳақида маълумот бериш лозим. Шунингдек, замонавий анъаналарнинг қадимги маросим ва урф-одатлар билан алоқасини, боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш керак.

II боб материалларини (5 соат) ўқитиш жараёнида ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ҳисларини ривожлантириш, халқимизнинг араб босқинчиларига ва Чингизхон қўшинларига қарши мардонавор курашлари мавзуси ўрганилаётганда давом эттирилади (Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий ва бошқалар).

Ватан туйғуси ўрта асрлардаги юртимизнинг улуғ алломалари, жаҳон илм-фанининг буюк намояндалари: ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хўжа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Замахшарий ва бошқалар фаолияти мисолида ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Чунончи, ўқувчилар Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини, ундан бир ҳисса нарса олинса, юз ҳисса қилиб қайтариш,Ватанни англаш ва ардоқлашнинг бир кўриниши бўлиб, муқаддас бурч эканлигини теран идрок этишлари муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (6-синф)
1-бўлим. ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛК ДАВРИ (10 соат)

Бу бўлимнинг мақсади, Ўрта Осиё ҳудудидаги инсоният тараққиётининг табиий-тарихий шароитларини кўрсатиш, ўқувчиларга қадимий одамларнинг авлодларини шаклланиши ҳақида тушунчалар бериш, Ўрта Осиё ҳудудига палеолит даврида илк одамларнинг ўрнашиши, Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида жойлашган илк одамларнинг моддий маданиятлари ёдгорликларидан хабардор қилиш, маданият ва санъат тушунчаларини пайдо бўлиши жараёни ҳақида маълумот беришдан иборат.

«Илк одамларнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашиши» мавзуи ўтилаётганда, ўқувчиларни Ўрта Осиё тарихини шартли даврлаштириш билан таништириш лозим:

палеолит: а) юқори - 40-12 минг йиллик (эр.аввалги)

б) ўрта - 100 - 40 минг йиллик (эр.аввалги)

в) илк - 700-500-100 минг йил (эр.аввалги)

мезолит - 12-7 минг йиллик (эр.аввалги)

неолит - 6-4 минг йиллик (эр.аввалги)

энеолит - 4-3 минг йиллик (эр.аввалги)

бронза даври - 3-2 минг йиллик (эр.аввалги)

илк темир даври - 1 минг йиллик (эр.-аввалги)

Ўрта Осиё ҳудудида илк одамларнинг излари мавзуси ёритилаётганда, эр.аввалги 700-500 минг йилликда яшаган Сел Унгир (Фарғона водийси), эр. ав. 200 минг йилликда Қўлбулоқ (Тошкент вилояти), Тешиктош (Сурхондарё вилояти), Омонқўтон (Самарқанд вилояти), Учтут (Навоий вилояти), Чўпонота (Самарқанд шаҳри), Ҳожикент (Тошкент вилояти) каби қадимий манзиллар ҳақида маълумот бериш керак. Мезолит даври манзиллари; Қўшилиш (Тошкент ҳудудида), Обишир (Фарғона водийсида), Зараут - Камар (Сурхондарё вилояти); Жонбас - 4 (Хоразм), Калтаминор манзиллари маданияти (Амударё қуйилишида), Кир дарвозаси (Бухоро вилояти); бронза даври манзиллари: Сопол-ли тепа, Замонбобо, Саразм, Жарқўтон, Ўзбекистон ҳудудидаги илк одамлар жойлашиши жараёнининг ўзига хос ва умумий хусусиятларини кўрсатиш билан бирга, онгли одамнинг шаклланиши (гомосапилекс) худди шу ҳудудда юз берганлигини таъкидлаш лозим. Бунинг исботи сифатида, Ўрта Осиё ҳудудида археологлар томонидан топилган юқоридаги манзилгоҳларни келтириш лозим.

Умумлашма суҳбатлар давомида ўқувчиларда илк инсониятнинг тараққиётига нималар сабаб бўлганлигини хулосалаб, меҳнат туфайли инсонлар ҳаёти яхшилана, ўзгара борганлиги, меҳнат қуролларининг замонавийроқ турлари вужудга кела бошлаганлигини, яъни меҳнат жамият ва инсон тараққиётининг асоси эканлигини таъкидлаш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (7-синф)

«Ўрта асрларда ерга эгалик қилиш муносабатларининг ривожланиши» деб номланган I боб (3 соат) бўйича ўқитувчи дастлаб мамлакатимиз ҳудудида яшаган қадимий аждодларимизнинг ҳаётида рўй берган туб ўзгаришларни асосини ерга эгалик қилишнинг янги шакли билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Чунончи, катта ерга эга бўлган «Қишлоқ ҳокими» деб аталмиш деҳқонлар ва уларнинг экинзорларида ишловчи унга қарам ерсиз «кадивор», яъни корандалар пайдо бўлиб, ерга, сувга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлиги таъкидланади. Натижада турли ер эгалиги шаклланиб, ривожланди ва деҳқонлар қўлида катта мулк ва куч тўпланди. Оқибатда айрим деҳқончилик воҳаларида катта ер эгалари бўлган деҳқонлар ўз вилоятларида мустақил ҳоким бўлиб олдилар. Шундай қилиб, бундай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар буюк давлатлар — Қанғ ва Кушон империяларини майда давлатларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Қанғ давлати таркибидан биринчилардан бўлиб Хоразм ажралиб чиққан. Унинг дастлабки пойтахти бўлган Тупроққалъа ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш лозим. Кўчманчи чорвадор хионийлар, кидарийлар ҳақида ҳамда Эфталийлар давлатининг вужудга келиши, унинг ижтимоий, маданий ҳаёти ва инқирозига тўхталиш зарур. Диёримиз ҳудудида Турк хоқонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хоразмда илк ўрта аср шаҳарларининг шаклланиши, шаҳарнинг «арк», «шаҳристон», «рабод» деб номланган қисмлари, деҳқон «қўрғон» ва «кўшк»лари ҳамда ёзув ва диний эътиқодлар тўғрисида тушунча бериш даркор.

«Марказий Осиё ҳудудининг Араб халифалиги томонидан фатҳ этилиши. Халқ озодлик қўзғолонлари (VII-VIII асрлар)» деб номланадиган II боб (5 соат) материалларини ўтишда дастлаб, Араб халифалигининг ташкил топиши тарихига тўхталиб, Мовароуннаҳрнинг улар томонидан истило этилиши ва унинг оқибатлари ҳақида атрофлича тушунтириш керак. Ўлкамизга ислом динининг тарқалиши ҳақида гапирилганда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиядаги тарихий ўрнини кўрсата билиш лозим.

Халифалик сиёсатига қарши халқ қўзғолонлари, айниқса, Абумуслим қўзғолонининг асл моҳиятини ҳамда Муқанна етакчилигидаги халқ қўзғолонининг сабабларини очиб беришда амалдаги дарслик материалларидан ташқари қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкин. Араблар зулмига қарши кўтарилган қўзғолонлар беҳуда кетмаганлигини ўқувчилар чуқур англашлари зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (8-синф)

Ўқитувчи дастлаб кириш дарсида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи она юртимиз тарихий тараққиётининг энг сермазмун ва бой даври эканлигига ўқувчилар эътиборини қаратиш билан, темурийлар салтанатининг емирилиш сабабларини кўрсатиши даркор.

I боб (8 соат) материаллари Марказий Осиёда Шайбонийлар ҳукмронлигига бағишланган бўлиб, Дашти Қипчоқда Абулхайрхоннинг давлат тузиши ва бу давлат ҳудудининг Муҳаммад Шайбонийхон даврида янада кенгайиши, Шайбонийхоннинг темурийлар, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан олиб борган урушлари, Бобур мағлубиятининг асл сабаблари атрофлича очиб берилмоғи керак. Бобурнинг истеъдодли шоир, олим, ёзувчи, буюк давлат арбоби эканлиги, у асос солган Бобурийлар салтанати ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни фактлар асосида кўрсатилади.

Шайбонийхоннинг Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан тўқнашуви, унинг мағлубияти сабаблари, Шайбонийхон маърифатпарвар ҳукмдор бўлганлиги кўрсатиб ўтилади.

Шайбонийлар сулоласи даврида Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маданий ҳаёт, ўзбек халқи этногенези масалалари кенг ёритилади. Шуни унутмаслик керакки, шайбонийлардан Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда марказлашган давлат ҳокимиятини барпо қилиш сари ҳаракат ва унинг хонлик вақтида бошқа мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқаларига доир фактик материаллар кенг баён этилиши муҳимдир.

II боб (3 соат) мавзулари шайбонийлар сулоласининг инқирози ва аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлигига бағишлангандир. Аштархонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни кўрсатиш билан мамлакатда, айниқса, Абулфайзхон даврида бош-бошдоқсизликнинг кучайиб кетганлигига ўқувчи диққатини тортмоқ керак. Ўқитувчи ушбу мавзу мазмунини кенгроқ ёритишда Фитратнинг «Абулфайзхон» номли тарихий драматик асарининг тегишли жойларидан ўринли фойдаланиши мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёнинг уруғ, қавм ва қабилалари ўртасидаги ўзаро курашлар натижасида ўлкамизда учта хонлик вужудга келганлигига эътибор қаратилади. Бунда ушбу бўлинишнинг халқ учун машъум оқибатлари таҳлил қилиниб, юртбошимиз Ислом Каримовнинг жамиятни жипслаштириш ва барқарорликни таъминлаш борасидаги фикрлари ва амалий фаолиятларидан мисоллар келтириш ўринлидир.

2-дарс: Дашти Қипчоқда Абулхайрхоннинг давлат тузиши:

а) Дашти Қипчоқ ва унинг аҳолиси таркиби ҳақида

б) Абулхайрхоннинг давлат тузиши

в) Абулхайрхон давлатида ижтимоий муносабатлар

г) Абулхайрхоннинг темурийлар билан муносабати

д) Шайбонийхоннинг сиёсий кураш майдонига чиқиши

3-дарс: Бобўрнинг Мовароуннаҳр тахти учун кураши:

а) Бобур Мирзонинг Фарғона тахтига ўтириши

б) Самарқандни эгаллаш учун олиб борилган кураш

в) Бобур Ватандан йироқда

г) Бобурнинг Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида тутган ўрни

4-дарс: Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши:

а) Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга ҳужуми

б) Темурийлар сулоласининг тугатилиши

в) Хоразм ва Хуросоннинг ишғол қилиниши

г) Шайбонийхон ва Исмоил Сафавий қўшинларининг тўқнашуви. Бу тўқнашув оқибатлари

5-дарс: Бухоро хонлигининг ташкил топиши

а) Шайбонийлар Бухоро хонлиги асосчиси

б) Бухоро хонлиги Абдуллахон II даврида

в) Жўйбор шайхлари ва уларнинг жамоа ва давлат ҳаётидаги ўрни

6-дарс: Шайбонийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар:

а) Шайбонийхон ислоҳотлари

б) Хўжалик ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар

в) Шайбонийлар давлатидаги ички низолар

7-дарс: Шайбонийлар даврида маданий ҳаёт:

а) Шайбоний ҳукмдорларнинг илм аҳлига муносабати

б) Фан ва санъат ривожи

в) Меъморчиликнинг ривожи

8-дарс: Шайбонийлар давлати аҳолисининг этник таркиби:

а) Ўзбек халқи этногенези

б) Шайбонийлар билан келган туркийзабон қабилалар

в) «Ўзбек» атамаси ҳақида

г) Узбек халқининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.

9-дарс: Умумлаштирувчи дарс.

II боб. АШТАРХОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ (3 соат)

10-дарс: Аштархонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши:

а) Шайбонийлар давлатидаги сиёсий тарқоқлик ва унинг оқибатлари

б) Аштархонийлар сулоласи ҳақида

в) Тошкент қўзғолони

г) Бухоро-Хива муносабатлари

11-дарс: XVII асрда Бухоро хонлигида ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва маданий ҳаёт:

а) Ижтимоий-иқтисодий аҳвол

б) Хонликдаги маданий ҳаёт

в) Меъморчилик

12-дарс: Бухоро хонлиги XVIII асрнинг биринчи ярмида:

а) Ижтимоий-сиёсий ҳаёт

б) Убайдуллахон II ҳукмронлиги оқибатлари

в) Хонликда ижтимоий-иқтисодий парокандаликнинг кучайиши

г) Манғитлар таъсирининг кучайиши

д) Бухоро-Эрон муносабатлари

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (9-синф)

1-дарс: Кириш

I боб. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти (11 соат)

2-дарс «Ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти» деб номланган бўлиб, унда хонликларнинг қолоқлиги, ерга эгалик шакллари, хонликларда сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва шаҳарлар ҳаёти, ички ва ташқи савдо ёритилади. 3-4-дарсларда эса «Хонликларнинг сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви» мавзуси ўрганилади. Ушбу мавзуни ўрганишда асосий эътибор хонликларнинг давлат тузумидаги умумий хусусиятлари, хонликларнинг XIX аср ўрталаридаги эгаллаган ҳудуди, маъмурий-сиёсий тузилиши, мансаблар тизими, хонликларнинг суд ишлари, ҳарбий аҳволи кабиларга асосий диққат қаратилади.

5-дарсда хонликларнинг солиқ сиёсати ва тизими ҳақида, 6-7-дарсларда қорақалпоқларнинг ҳудудий жойлашуви ва ижтимоий ҳаёти, уларнинг ҳаётида балиқчилик, овчиликнинг ўрни, ҳунармандчилик машғулотлари, уруғчилик ва қабилачилик, уларни бошқариш, солиқ, мажбурият турлари, мазкур халқнинг урф-одатлари, халқ норозилик ҳаракатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилади. 8-дарсда XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё халқлари маданияти, ўлка халқларини забт этиш арафасида Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқи маданияти, унинг миллий, ўзига хос жиҳатлари, хаттотлик санъати, унинг машҳур намоёндалари, адабиёт аҳлларидан Огаҳий, Комил Хоразмий, Бердимурод Қарғабой ўғли ва бошқаларнинг маданий-маънавий ҳаётда тутган ўрни ҳамда улар меросининг аҳамиятига асосий диққат қаратилади. Тарихнависликка қизиқиш ва ушбу соҳадаги эришилган ютуқлар очилади. 9-дарс материали «XIX аср ўрталарида санъат»га бағишланган бўлиб, асосий масала халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида санъатнинг ўрни, аҳамияти, мусиқа ва қўшиқчилик санъати, мақом ва достончилик йўллари, ўзбек анъанавий театри, қизиқчилик ва масхарабозлик, мазкур соҳанинг машҳур санъаткорлари, уларнинг хизматларини кўрсатишга йўналтирилади. 10-дарсда «Ўзбек халқининг маънавий-маиший турмуш тарзи ва оилавий шарқона қадриятлари» ўтилаётганда ўзбек оиласи ва унда отанинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи, оилада исломий, маънавий қадриятларга суянган муносабатлар, оилада бола тарбияси, тўй-маросимлари, фасллар билан боғлиқ урф-одатлар, миллий байрамлар, дафн маросимларига асосий эътибор қаратилади. Ўзбек халқи ҳаётида моддий-маданий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига асосий урғу берилади. 11-дарс машғулоти миллий таомлар, пазандачилик ва ўзбекона меҳмоннавозлик, асрий шаклланган озиқ-овқат турларининг иқлим билан боғлиқ ҳолда етиштирилиши уларнинг шифобахш, парҳез хусусиятларига эътибор берилади. 12-дарс машғулотида Ўзбекистонда (XIX аср ўрталарида) меъморчилик мактаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳунармандчилик ва амалий санъат турлари ҳақида тушунча берилади. Унинг амалий ҳаётдаги ўрнига эътибор берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (10-синф)

10-синф материалларини ўтиш бўйича ушбу тавсиялар Ўзбекистонда шўролар истибдоди даврининг (I боб) 1917 йил февралидан 1920 йилнинг охиригача бўлган қисмини (26 дарсни) қамраб олгандир. Унда Ўзбекистон ҳудудида 1917 йил бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий аҳвол, 1917 йил февралида Россияда чоризмнинг ағдарилиши ва унинг диёримиздаги демократик, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг ривожига таъсири ҳамда ушбу инқилобий ҳаракатнинг ўлкамиздаги таъсирининг икки йўналиши, миллий мустақиллик ва миллий давлатчилик ғояларининг туғилиши кўрсатилади. Шунингдек, Октябрь тўнтариши ва Туркистонда зўрлик йўли билан шўролар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ёритилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, 10-синфда ўқитиладиган «Ўзбекистон тарихи» давлатчилик масаласига ёндашишда алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ўқувчилар Шўро мустамлакачилигининг ўрнатилиши оқибатида ўзбек давлатчилиги амалда тугатилганлиги кўрсатилади. Шу ўринда миллий давлатчилик тарихида алоҳида ўрин тутган «Туркистон мухторияти»нинг қонга ботирилиши ҳамда Бухоро ва Хива хонликларининг ағдарилиши, улар ўрнида Шўро Россиясига тамоман қарам бўлган давлатларнинг барпо бўлиш тарихи билан танишадилар.

Мустабид тузум ва талончиликларга қарши миллий-озодлик курашининг бошланиши ва унинг босқичлари ҳам очиб берилиши лозим.

1-дарс: Кириш (Ўзбекистоннинг 1917-1991 йиллардаги тарихига доир)

а) 1917-1924 йиллар Марказий Осиё тарихида қандай давр?

б) Чоризм мустамлакачилик сиёсатининг совет мустамлакачилик сиёсати билан алмашинуви

в) Ўзбекистон ССР - вассал давлат

2-дарс: Ўзбекистон - Туркистон 1917 йилда (февраль-октябрь)

а) Россия Февраль инқилобининг Узбекистонга таъсири

б) Туркистонда турли миллий-сиёсий кучлар. Уларнинг сиёсий масалаларга муносабатлари

в) Миллий давлатчилик ғоялари

г) Туркистондаги миллий-сиёсий кучлар тенг бўлиниб кетиши сабаблари

3-дарс: Октябрь давлат тўнтариши ва Туркистон

а) Россияда 1917 йил октябрь воқеалари. Октябрь тўнтаришига Туркистон халқларининг муносабати

б) Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва «совет» мустамлакачилик ҳукуматининг тузилиши

в) Туркистон халқлари тарихида совет мустамлакачилиги даврининг бошланиши

г) «Совет ҳокимияти» тарафдори бўлган маҳаллий арбоблар фаолиятига баҳо

4-дарс: Миллий давлатчилик учун кураш

а) Миллий уйғониш сабаблари

б) Миллий давлатчилик курашчилари

в) Туркистон мухториятининг тузилиши - миллий давлатчилигимиз тарихида янги босқич

5-дарс: Туркистон мухториятининг ҳалокати

а) Мухторият ҳукуматининг мақсад ва вазифалари.

б) Мухторият фаолиятидаги қийинчиликлар.

в) «Совет ҳукумати»нинг Мухториятга муносабати

г) Мухториятнинг тор-мор этилиши ва унинг оқибатлари.

6-дарс: Туркистон ўлкасида большевиклар диктатурасининг ўрнатилиши

а) Большевикларча зўрлик билан мулкни давлат тасарруфига ўтказишнинг бошланиши (национализация).

б) «Социалистик иқтисодиёт» деб номланган иқтисодиётни яратишнинг бошланиши.

в) «Совет ҳукумати»нинг озиқ-овқат сиёсати

7-дарс: «Ҳарбий коммунизм» сиёсати

а) «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг моҳияти.

б) Туркистонда бу машъум сиёсатнинг амалга оширилиши.

в) «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг Туркистондаги оқибатлари.

8-дарс: Туркистон АССРнинг ташкил этилиши

а) большевиклар эълон қилган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи тамойилининг пуч эканлиги.

б) Туркистон АССРнинг ташкил этилиши - миллий давлатчилик ғояларининг поймол этилиши эканлиги.

в) Улуғ давлатчилик шовинизми.

9-дарс: Туркистонда 1919-1920 йилларда сиёсий вазият

а) Туркистонда сиёсий вазият кескинлашувининг сабаблари.

б) Турккомиссия ўлкада совет тартибини мустаҳкамлаш қуроли.

в) Ўлка мусулмонлари бюроси ва унинг фаолияти.

г) Миллий давлатчилик ғояларининг йўққа чиқарилиши

10-дарс: Туркистон ўлкасида миллий озодлик курашининг янги босқичи

а) Ўлкада миллий-озодлик ҳаракати бошланишининг сабаблари.

б) Миллий озодлик ҳаракатининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва бу курашнинг йўлбошчилари.

в) Миллий озодлик ҳаракатининг босқичлари.

г) «Совет ҳокимияти»нинг миллий-озодлик курашига муносабати.

11-дарс: Миллий озодлик курашининг бошланиши

а) Қўқон миллий озодлик курашининг биринчи таянчи истеҳкоми

б) Миллий-озодлик ҳаракати Олий қўмондонлигининг тузилиши

в) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолатнинг жорий қилиниши.

12-дарс: Советларнинг Миллий-озодлик курашини бостириш учун кураши

а) «Ўт қўйилган ер» тактикасининг қўшилиши.

б) «Аксил инқилобий ҳаракат»га қарши кураш фавқулодда комиссиясининг тузилиши

в) Озодлик ҳаракатининг янада кучайиши

13-дарс: Миллий-озодлик курашида янги босқич

а) Озодлик кураши йўлбошчиси Мадаминбек ва Монстров шартномаси. Бу шартноманинг ижобий ва салбий оқибатлари.

б) 1919 йил 22 октябрдаги қўрбошилар қурултойи ва Муваққат Фарғона ҳукуматининг тузилиши

в) Турккомиссиясининг озодлик ҳаракатини сусайтириш борасида кўрган тадбирлари.

14-дарс: Миллий-озодлик курашининг бостирилиши

а) Фарғонада ҳарбий диктатура ўрнатилиши.

б) Озодлик ҳаракати кураши кучларининг мағлубиятга учраши.

в) Озодлик ҳаракати енгилишининг сабаблари ва оқибатлари

15-16-дарслар: Бухоро амирлиги 1917-1920 йилларда

а) Амирликда ижтимоий ҳаёт

б) Амирликда жамиятни ислоҳ қилиш тарафдорларининг шаклланиш шарт-шароитлари

в) Ёш бухороликлар ҳаракати ва унинг мақсадлари.

г) Ёш бухороликлар ва Россия.

д) Фитрат ва ёш бухороликлар

е) Бухоро амирининг давлат ҳаётини ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлари.

17-дарс: Бухоро амирлиги ва Шўро ҳукумати муносабатлари

а) Октябрь тўнтаришининг Бухоро амирлиги ички ва ташқи аҳволига таъсири.

б) Бухоро амирлигининг қуролли кучларини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари.

в) Совет ҳукуматининг Амирлик ички ишларига аралашув сиёсати

18-дарс: Бухоро амирлигини тугатиш сиёсати

а) Туркистон қизилгвардиячиларининг янги Бухорога киритилиши.

б) Қизилтепа сулҳ шартномаси

в) Россия совет ҳукуматининг Амирликни қулатишга қаратилган сиёсати.

19-дарс: Бухоро амирлигининг қулатилиши

а) Шўро ҳукуматининг Амирликни қулатиш мақсадини рўёбга чиқаришда ички мухолифат кучларни қўллаб-қувватлаши

б) «Бухоро инқилоби»нинг уюштирилиши.

в) Совет армиясининг амирликка қарши ҳаракатни бошлаши.

г) Амирликнинг қулатилиши ва унинг оқибатлари.

20-21-дарслар: Хива хонлиги 1917-1920 йилларда

а) Хонликдаги ижтиомий ҳаёт.

б) Хонликда мухолифат кучлари шаклланиши шарт-шароитлари

в) Ёш хиваликлар ташкилоти ва унинг мақсадлари.

г) Ёш хиваликлар ва Россия

д) Хива хонлигининг давлат ҳаётини ислоҳ қилишга қаратилган тадбирлари.

22-дарс: Хива хонлиги ва Шўро ҳукумати муносабатлари

а) Октябр тўнтаришининг хонлик ички ва ташқи аҳволига таъсири.

б) Шўро ҳукуматининг хонлик ички ишларига аралашуви.

в) Ички мухолифат ҳаракати.

23-дарс: Хонликда Жунаидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши

а) Жунаидхон шахси ҳақида.

б) Жунаидхоннинг ҳокимият тепасига келишини таъминлаган шарт-шароитлар.

в) Жунаидхоннинг Совет ҳокимиятига муносабати.

24-дарс: Хива хонлигининг тугатилиши

а) РСФСР ва Хива ўртасида имзоланган Тахта шартномаси.

б) Хонликдаги ички мухолифат кучларининг бирлаштирилиши.

в) Совет ва Жунаидхон қўшинларининг тўқнашуви.

г) Хива хонлигининг тугатилиши ва унинг оқибатлари.

25-26-дарслар: Такрорловчи -умумлаштирувчи дарс

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (11-СИНФ)

11-синф ўқувчилари 2700 йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилигининг тикланиши, мустақил Ўзбекистон давлатининг вужудга келиши, мустақил давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган тарихий бунёдкорлик ишлари тарихи билан танишадилар.

Шунингдек, ушбу ишларнинг бошида турган юртбошимиз Ислом Каримовнинг фаолияти мустақил республикамиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади.

11-СИНФ (68 СОАТ)

1-дарс: Кириш дарси - 1 соат

а) Ўзбекистон халқлари тарихида янги давр - миллий истиқлол даврининг бошланиши.

б) Ўзбекистон - мустақил давлат.

в) Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси.

г) И.А.Каримов Ватанимиз тарихининг долзарб муаммолари ҳақида.

I БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ (9 СОАТ)

2-дарс: Мустақиллик йўлидаги кураш

а) Ўзбек халқи озодлиги учун курашган миллий қаҳрамонлар ҳақида.

б) 30-йиллар қатағонликлари.

в) Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда йўқотганлиги.

3-дарс: Давлат мустақиллиги сари йўл

а) 1989 йилда «Давлат тили» тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши.

б) Президентлик лавозимининг жорий этилиши.

в) Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши.

4-дарс: 1991 йил август воқеалари

а) «Янги Иттифоқ Шартномаси» деб аталган ҳужжатнинг тайёрланиши.

б) 1991 йил 19 августда қандай воқеа юз берди?

в) Ўзбекистон раҳбариятининг август воқеаларига муносабати.

5-дарс: Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси ва унинг қарорлари.

б) Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши. 2700 йиллик тарихга эга давлатчиликнинг тикланиши.

в) «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг мазмуни.

г) 1-сентябрь - Мустақиллик куни. Мустақиллигимизнинг еттинчи йили.

6-дарс: Ўзбекистон - мустақил давлат

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши VIII сессиясининг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари.

б) Ўзбекистон давлат рамзларининг қабул қилиниши

в) Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.

7-дарс: И.А.Каримов мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси.

а) И.А.Каримовнинг таржимаи ҳоли.

б) И.А.Каримовнинг «катта сиёсат» майдонига кириб келиши.

в) И.А.Каримов - мустақил демократик Ўзбекистон давлати асосчиси (1991-1998 йиллардаги фаолияти)

8-дарс: Л.Левитин ва Д.С.Карлайлларнинг «Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти» китоби ҳақида суҳбат.

9-дарс: Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлининг ишлаб чиқилиши.

а) Давлатлар тараққиёт йўллари ҳақида.

б) Ўзбекистон давлати тараққиёт йўли ва унинг беш тамойили.

в) Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва овози.

10-дарс: Такрорлаш - умумлаштириш дарси

11-12-дарслар: Н.Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» китоби бўйича семинар машғулоти.

II БОБ. Сиёсий ислоҳотлар. Миллий ҳуқуқий давлатчилик пойдеворининг барпо этилиши (7 соат)

13-дарс: Эски давлат ҳокимияти бошқарув тизимининг барҳам топиши

а) Эски бошқарув тизимига барҳам бериш зарурати.

б) Давлат ҳокимияти бўлиниши (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига) тамойилининг амалга оширилиши.

в) Узбекистон Республикаси Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий пойдевори.

14-дарс: Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органи

а) Олий мажлис - давлат ҳокимияти олий вакиллик органи.

б) «Олий Мажлисга сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмуни ҳақида.

в) 1 - чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ўтказилган сайлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

15-дарс: Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти

а) Давлат ҳокимияти тизимида Президентлик республика бошқарувининг қарор топиши.

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари.

в) Президент И.А.Каримов ваколатининг 2000 йилгача узайтирилиши.

16-дарс: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари

а) Вазирлар Маҳкамаси ва унинг вазифалари.

б) Вазирлар Маҳкамасини тузиш тартиблари.

в) Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари.

17-дарс: Давлат мустақиллигини қатъий таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар

а) Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирликларининг тузилиши.

б) Миллий хавфсизлик хизматининг ташкил этилиши.

в) Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг тузилиши.

18-дарс: Ўзини-ўзи бошқарув органларининг ташкил этилиши

а) Фуқаролар йиғини, қишлоқ, овул ва маҳалла оқсоқоллари Кенгаши.

б) Республика маҳалла жамғармаси.

19-дарс: Мустақиллик шароитида кадрлар сиёсати

а) Кадрлар сиёсатининг жамият тараққиётида тутган ўрни.

б) Кадрлар тайёрлаш, уларни жойжойига қўйиш ҳамда кадрлар малакасини оширишда амалга оширилган тадбирлар.

в) И.А. Каримов кадрларни танлашда маҳаллийчилик хавфининг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашнинг зарурлиги ҳақида.

20-дарс: Такрорлаш

Тузувчи: С.МАҲКАМОВ,
Республика Таълим Маркази тарих ва ижтимоий фанлар бўлими мудири

«УСТОЗЛАР ҲАҚИДА ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ» КЎРИК-ТАНЛОВИГА

Азамат СУЮНОВ шеъри,
Дилором ОМОНУЛЛАЕВА мусиқаси

БАХТИМИЗГА СОҒ БЎЛИНГ

I

Устозларим бор бўлинг,
Бургут бўлинг, сор бўлинг,
Суянгувчи тоғ бўлинг,
Бахтимизга соғ бўлинг!

Илк партага ўтқаздингиз,
Китоб-дафтар тутқаздингиз,
Бизга билим етказдингиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!

II

Ўткирлашди зеҳнимиз,
Сизга ошди меҳримиз,
Тўлиб-тошди меҳримиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!

Меҳр сувин ичирдингиз
Дафтаримиз текширдингиз,
Хато қилсак, кечирдингиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!



МЕҲРИДАРЁ ИНСОН ЭДИ

Xotira

Куни кеча ҳаммамизнинг қалбимиз тўридан жой олган, «яхши одам эди», деган пурҳикмат таърифга муносиб бўлган Зайниддин Абдураҳимовни сўнгги йўлга кузатдик.

Зайниддин ака, уни билган,мулоқотда бўлган кишилар, ҳамкасб ва дўст-ёрлар,қариндош уруғлар қалбида буюк ёдгорлик қолдирди. Бу –меҳр ёдгорлиги эди.

Зайниддин ака ўта камтар ҳаёт кечирди. Оддий ишчи оиласида вояга етди. Урушнинг оғир йилларида рўзғорнинг бир чеккасини кутариш учун отаси ёнига кириб, унга мададкор бўлди. Кунига ярим литр керосин бериб турадиган Тошкент темир йўлининг Қизил тўқимачи ҳудудида ёрдамчи ишчи бўлиб ишлади.

Зайниддин ака устоз ва мураббийларининг хизматларини юксак қадрлар, улар ҳурматини аъло даражада адо этарди. Эсимизда, Зайниддин ака, уни биринчи бор Тошкент тўқимачилик институти қошидаги тайёрлов курсига бошлаб келиб ўқишга жойлаган, эндиликда қарилик гаштини сураётган кекса муаллим Абдумажид ака Абдураззоқовни сўнгги дамгача оғиздан туширмади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг пахтачилик бўйича олиб борган меҳнат фаолиятини бошлашига шу дастлабки ўқув курси сабаб бўлган эди. Зайнитдин ака учун Москва тўқимачилик институти материалшунослик кафедрасида лаборантлик, пахта тозалаш саноати Марказий илмий-текшириш институтида аспирант, ассиссент, катта ўқитувчи, пахта толаларини дастлабки ишлаш факультетининг декани каби илмий-ижодий босқичлар катта ҳаётий тажриба мактаби бўлди.

Ундаги ҳалоллик, меҳр-оқибат, ишга садоқат, ҳавас қиларли даражадаги қобилият, ташкилотчилик,айни чоғда меъёрдаги талабчанлик хусусиятларини узоқ вақт кузатиб борган жамоа уни масъулиятли юқори лавозимларга тавсия этди.

Зайниддин ака 1982 йилдан эътиборан республика маиший хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида бошлаган меҳнат фаолиятини шу вазирликнинг турли бўлимларида умрининг охирига қадар давом эттирди.

Зайниддин аканинг бу самарали меҳнатлари муносиб равишда ўз даврининг энг олий орден ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Зайниддин ака сўнгги йигирма йилда падари бузруквори вафотидан кейин 47 кишининг бошини бирлаштирган катта бир оилага бошчилик қилди. Уларнинг ҳар бир қадамига ўзини жавобгар ҳис қиларди. Ҳар бир ютуғидан беҳад севинарди.

Умр — бир соз эмиш.Уни кимдир соз, кимдир эса носоз чалиб ўтади. Зайниддин аканинг умр оҳанглари эса кўнгилларда абадий муҳр топди. Ва бу оҳанглар фарзандлари, дўсту биродарлари тимсолида ҳамиша янграб туражак.

Ғ.МЎМИНОВ

Xullas...

НАПОЛЕОН ВА МОДА

Инсон яралибдики, унинг кийимга эҳтиёжи ҳамиша ортиб борган. Буюк шахсларнинг модага муносабатлари қандай бўлган?

Наполеон тахтдан кетиши билан мода ҳам таназзулга юз тутди. Ўша замонларда мода тусига кирган оқ гуллар энди ёқаларни безамасдан қўйди. Ҳукмдорнинг оппоқ кўйлагига ҳам мудом гуллар қадалар, бу ҳашам ҳар бир эркакка ўзгача кўрк бағишларди.

Княз Герман Пюклер Мускаунинг таъкидлашича, хонимларга илиқ муносабатда, жамиятда ўз мавқеини эгаллашда эркаклар либоси беҳад катта рол ўйнаган. Ўзига бино қўйган киборлар ҳафтасига 20 та кўйлак, 24 та дастрўмол, 30 та бўйинбоғ, шунча миқдорда пайпоқ алмаштирганлар. Булар сирасига энг аввало Наполеон кирган...

АРЗОН, ХУШТАЪМ

Юбея ёки фил пальмаси фақат Чили тоғларида, 1200 метр баландликда ўсади. Бу дарахтнинг номи унинг йўғон пояси билан боғлиқ. Пальманинг диаметри ва пастки қисми бир метрдан 200 см зиёд. Унинг меваси истеъмолга яроқли. Шарбати хуштаъм, вино тайёрланади. Бошқа мева хиллари ва узумдан тайёрланадиган винолардан арзон. Шунинг учун ҳам «яхшигина ичувчи»ларнинг бу пальмага ихлослари баланд.

Бундай ажойиб дарахт ҳақида Чилида чоп этиладиган «Ла эпока» газетаси хабар беради.

15 ЙИЛЛИК ЯНГИ НАВ

Россиялик олимлар картошканинг вирусларга анча чидамли навини таклиф этишмокда. «Биоинженер» марказининг директори Константин Скрябин бунинг ташаббускори ва ихтирочисидир. Янги навни яратиш учун Белорусиянинг учинчи сорт картошкаси саралаб олинди.

Ҳозир нина билан қудуқ қазувчилар бу нав устидаги изланишларни давом эттиришяпти. Америка картошкаси сингари зараркунанда қўнғизга таслим бўлмайдиган нав нахотки яратиш мумкин эмас, деб ўйлашмокда улар.

Вирусларга чидамли навнинг вужудга келиши учун роппа-роса 15 йил керак бўлди. Қўнғиз тешмайдиган навнинг яратилиши учун ҳам шунча фурсат керакдир...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

СПОРТ АНЖУМАНИ БОШЛАНАДИ

Яна бир кундан сўнг Юнусобод теннис мажмуида «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги-98» халқаро теннис мусобақаси бошланади.

БУ ҲИСОБ КУТИЛМАГАНДИ

Хўжанд шаҳрида Осиё кубок эгалари кубоги беллашувининг «Хўжанд» «Пахтакор» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Қайси жамоа маҳоратининг устунлиги 18 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган жавоб учрашувида ҳал бўлади.

ҚАРОРНИ КУТАМИЗ

Осиё чемпионлари кубоги беллашувида «Вахш» билан куч синашиши керак бўлган Фарғо-нанинг «Нефтчи» жамоаси Қўрғонтепага бормади. Сабаб, Тожикистон ҳукумати томонидан спортчиларимиз хавфсизлиги кафолатланмади. Масалага энди ОФК ойдинлик киритади.

ЎРИН ОЛИБ ҚАЙТИШДИ

Словакияда стол тенниси бўйича халқаро турнир ўтказилди. 44 мамлакат спортчилари иштирок этган бу мусобақада вакилларимиз кўрсатган натижани муваффақиятли дейиш мумкин. Юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритишди.

ҲУНВОНГА МУНОСИБ

Германияда профессионал бокс бўйича (JBF) ўтказилган баҳсда жаҳон чемпиони америкалик Чарлз Брюэр (76,2кг) ўз унвонини муносиб ҳимоя қилди. У даъвогар Энтони Бердни мағлубиятга учратди.

Bilasizmi?

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Банк. Бу ибора аслида «стол» деган маънони билдиради. Маълум бўлишича,дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлган.

Ҳар бир ҳукмдор пул муаммоларини ташкил қилиб, ўз тангаларини зарб этишга ҳуқуқли бўлган. Кейинчалик танганинг софлик даражасига кафолат бера оладиган ҳамда бир давлат пулига алмаштирадиган муассасалар тузиш заруряти туғилган.

Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи муассасаларни «банко» деб атай бошлашган.

«Бизнес» сўзи инглизчадан таржима қилинганда «иш», «машғулот» деган маъноларни англатади. «Бизнесмен» сўзи эса «иш билан банд» дегани. «Депозит» сўзи тор маънода ишлатилиб, маълум бир муддатга жалб қилинган маблағларга нисбатан қўлланилади.

Ривожланган барча мамлакатларда эса ҳисоб-китоб , жорий ҳисоблар ҳам депозит ҳисоблар қаторига киритилади. «Депозит» аслида лотинча сақлаш учун бериладиган буюм, нарса маъносини англатади.

«Лизинг» сўзи аслида инглизча бўлиб ижара маъносини билдиради. Машина-механизмлар, транспорт воситалари, бинолар, ЭҲМ ва ҳоказолар банк орқали маълум муддатга берилади. Лизинг компанияси ёки тижорат банки бозор конъюктурасини ва хўжаликлар эҳтиёжи имкониятларини билган ҳолда турли хил замонавий ашё жиҳозларини сотиб олиб, одатда 2-2,5 йилга ва кўпроқ муддатга ижарага беради.

А.АЛИЕВ тайёрлади

«ЯНГИ ХАМСА» ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Машриқзаминимиздаги забардаст инсонпарвар шоирлардан бири Низомий Ганжавий XII асрда илк бор «Хамса» яратиб, Шарқ адабиёти тарихида хамсанависликни бошлаб берди. Бу анъанани давом эттирган Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий аеарлари эса Шарқ хамсанавислигида алоҳида ўрин тутади. Заҳматкаш ва забардаст шоиримиз Барот Байқобилов буюк салафлар анъаналарини давом эттириб, «Янги Хамса» яратишга муяссар бўлди.

Барот Бойқобилов ижодида улуғ шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий мавзуи алоҳида ўрин тутади. У 1977-1987—йиллар мобайнида Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврни қамраб олган «Навойнома» асарини ёзди. «Навойнома» тўрт китобдан иборат. Бу асарнинг биринчи ва иккинчи китоблари «Шукуҳли карвон» (1981), «Нотинч Хуросон» (1985) нашр қилинганига анча бўлди. 1992 йили «Навойнома»нинг учинчи ва тўртинчи китоблари —«Сокин Хуросон» ва «Қонли Хуросон» чоп қилинди.

Шоир Барот Бойқобилов бу хизмати учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1997 йили унинг ҳазрати Хожа Аҳрор Валий тўғрисида «Ҳайратул-Аҳрор» деган янги достони нашр этилди. Муаллиф шу йили «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Яқинда мазкур беш шеърий достонини қайта ишлаб, мутафаккир шоиримиз «Янги Хамса» номли асарини босмадан чиқарди.

«Янги Хамса»нинг биринчи китоби «Нотинч Хуросон»да 1441-1464—йиллардаги, буюк воқеалар —Алишер Навоийнинг дунёга келиши, Ҳирот муҳитида униб-усиши, султон Абулқосим Бобур саройидаги фаолияти, Самарқандга сафари тасвирланади. Мазкур китобда Алишербекнинг ота-онаси, Ҳирот ва Мавҳаддаги сиёсий-ижтимоий, илмий-адабий муҳит, Навоийнинг усмирлик ва талабалик йиллари, Лутфий, Шайх Камол Турбатий, Шарафиддин Али Яздий ва Мирзо Улуғбек билан учрашувлари, Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги, тож-тахт учун Ҳиротдаги беомон, тўқнашувлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тасвирланган.

«Янги Хамса»нинг «Шукуҳли карвон» достони асарнинг иккинчи китоби. Ушбу достонда 1465-1469-йиллардаги тарихий воқеа-ҳодисалар акс эттирилиб, Алишер Навоийнинг Самарқанд шаҳрида яшаган ва таҳсил олган йиллари, бу муқаддас масканда-ги таниқли шуаро ва фузало билан қурган ижодий суҳбатлари, Самарқанд адабий-илмий муҳитида унинг тутган ўрни, баъзи бир фосиқ ижтоларларнинг улуғ шоир ва унинг дўстларига қарши уюштиришган фитна-фужурлари... Ниҳоят Навоийнинг шукуҳли карвон билан Хуросон пойтахти Ҳиротга қайтиб бориши ишонарли ифода қилинган.

«Сокин Хуросон» достони мазкур улкан асарнинг учинчи китобини ташкил этади. Бу китобда 1469-1487-йиллардаги ўта ибратли ва кескин драматик тарихий воқеалар тасвирланган. Асарда ўқувчи Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги баракали фаолияти, унинг Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод каби давлат арбоблари, шоирлар, адиблар, санъаткорлар билан сермазмун ижодий муносабатлари, буюк «Хамса»ни яратиш жараёни билан танишади.

«Қонли Хуросон»да 1487-1501—йилларда Хуросонда, жумладан, Астрободда ва Ҳиротда юз берган тарихий воқеалар, Алишер Навоий муборак умрининг қиш фасли, улуғ шоирнинг кексалик даври, касал бўлиши ва вафоти, Ҳирот аҳолисининг аламнок қайғу ҳасратлари дарду изтироблар билан тасвирланади.

Бузургвор шоир Алишер Навоийнинг оғир касаллиги, заифлашиб қолганлиги ва аламли вафотини шоир мана бундай ҳазин шеърий сатрларда акс эттиради:

Эй чархи кажрафтор, айланмасанг каж,
Шоирнинг тилини қилмасдинг фалаж.
Бас, етар қийнама, гарчи феълинг ёт
Бир лаҳза қайтиб бер тилларини бот.
Она улусига сўнг сўзин айтсин,
Ўлим кўчасидан бош олиб қайтсин...
Жаҳон боғидаги энг покдил Инсон,
Меҳридан яшнасин яна Ҳуросон!

(«Янги Хамса»)

Шу нарсани назаримиздан қочирмаслик лозимки, шоир Барот Бойқобилов Навоий ҳақидаги чоркитобини собиқ шуролар ҳукмрон бўлиб турган қалтис бир пайтда /1977-1987/ ёзган, унда тарихимизнинг XY асрдаги энг шонли, ўта мураккаб замони бугунги кун нуқтаи назаридан ҳаққоний ёритилган. Истиқлолимизгача Алишер Навоийнинг маслакдоши ва дўсти, буюк туркигўй шоир, Хуросон султони Ҳусайн Бойқарога муносабатимиз салбий эди. 1977-1987- йилларда битилган мазкур тўрт китобда эса муаллиф Султон Ҳусайн Бойқарога тарихан тўғри ёндошган.

Истиқлолимиз ўзининг еттинчи йилига қадам қўяр экан, «Навойнома» каби чоркитобни ўз ичига олган «Янги Хамса» асарини Истиқлол давридаги бадиий—эстетик тақозоларга монанд баҳолашимиз лозим бўлади. Зеро, нафақат ўзбек ва бошқа турқий халқлар учун, балки бутун Яқин ва Урта Шарқдаги кенг мусулмон минтақаси халқларининг ҳаётида ХУ асрда улкан маънавий-маданий воқеа бўлган ҳазрат Навоийнинг, унинг пирмуршиди ҳазрати Аҳрор Валийнинг ҳам ўта бой илмий-фалсафий, тасаввуфий-урфоний меросини биз авлодлари ҳали лозим бўлганидек ўргана олганимизча йўқ.

Истиқлолимиздан кейинги вазият Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор меросларига бошқача қарашни, мазкур меросларни ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганишни, Ислом олами бўйлаб фаол тарғиб-ташвиқ қилишни талаб қилаётир.

Барот Бойқобилов Истиқлолимиз яратган қулай шароитдан унумли фойдаланиб, донишманд бобокалонимиз Ҳазрати Эшон шахсияти, буюк нуроний қиёфаси олдида сўнгги 70-80 йиллик мустамлака даврида қаланган совуқ мунжамид музликларни парчалай олди. Шоир достоннинг бошланиш қисмида Хожа Аҳрордек ўта мураккаб сиймоларни эъзозлаш учун пайдо бўлган қулай шароит ҳамда ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий муҳитнинг ижодкори муҳтарам йўлбошчимиз ҳақида қуйидаги сатрларни битади:

Озод Ўзбекистон сарвари - якто,
Буюк Соҳибқирон Темурдек доно.
Беназир даҳо у, мутафаккир Зот,
Ҳурлик деб солди у майдон ичра от...
Темур панжасига панжа урди у,
Темурда илоҳий қудрат кўрди у.
Жаҳон саҳнасига чиқди пурвиқор:
Адолат ўрнатди юртда устувор...
Юз йилда бир марта чиқар бундай Зот,
Ватан осмонида порлоқ қундай Зот...
Шуҳрати тарихни буркасин шонга,
Оллоҳ берди уни Ўзбекистонга!

(«Янги Хамса»)

Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятларига оид тарихий манбаъларни синчиклаб урганган шоир Барот Бойқобилов Ҳазрати Хожамизнинг 1404 йилда Тошкентда Хожа Маҳмуд оиласида таваллуд топиши, унинг аждодлари Шайх Қаффоли Шоший, Хожа Муҳаммад Номий, Шайх Хованд Таҳур каби буюк зотларга бориб боғданиши, сермазмун ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, Боғистон ҳамда Тошкентда ўтган болалиги ва усмирлиги, Самарқанд, Ҳирот ҳамда бошқа жойларга қилган узоқ сафарлари, умуман, Ҳазрати Эшоннинг ҳайратомуз фаолиятлари тўғрисида таъсирчан шеърий тил билан батафсил ҳикоя қилади.

Шундай қилиб, забардаст шоиримиз Барот Бойқобилов илгарироқ босилиб чиққан «Навойнома» чоркитобини янги бешинчи достон «Ҳайратул Аҳрор» билан такмил этди.

Асарни Мустақиллик айёмидаги утиш даврининг бозор иқтисодиёти мушкилотига қарамай, бағоят гўзал ва мақбул равишда нашр этган «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририятига сидқидилдан ташаккуримизни изҳор этамиз. Асарнинг жилди, муқоваси ичидаги гўзал безакларини қунт билан ишлаган Узбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг заҳматларини алоҳида таъкидлагимиз келади.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
ЎзРФА академиги,
Ориф УСМОН,
ЎЗФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори

ЯНА ҒОЛИБ БЎЛИШАРМИКАН?..

Қуқонлик бир гуруҳ иқтидорли ёшлардан ташкил топган ўқувчи копьютерчилар ўтган йили республика миқёсида ташкил этилган компьютерчилар кўрик-танловида ўзларининг билим ва маҳоратларини ажойиб тарзда намойиш қилиб, жамоа ҳисобида мутлақ ғолибликни қўлга киритган эдилар. Асримиз муъжизаси - компьютерда эмин-эркин ишлашни урганишларида уларга шаҳар халқ таълими бўлими ходими, салоҳиятли компьютерчи муҳандис Мансуржон Комилов мураббийлик қилаяпти. Болалар мана шу соҳадаги билимларини бевосита узлари ўқийдиган мактабларда бойитиб боришяпти.

Қуқонлик компьютерчилар бу йил ҳам вилоят миқёсида биринчиликни эгаллаб, яна республика мусобақасида иштирок этиш учун ҳозирлик кўришяпти. Болаларнинг зукко-фаоллиги бу гал ҳам голиблик шоҳсупасига кўтарилишларидан дарак берояпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ

ЭЪЛОН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги амалий психологлар тайёрлаш махсус факультети пулли шартнома асосида тингловчилар қабул қилади.

Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционер жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пулли шартнома асосида амалга оширилади. (Тулов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади.)

Ўқиш кундузги шаклда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этилади. Факультетда ўқиш истагини билдирганлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ва баҳолар қайдномасидан кучирма.
2. Меҳнат дафтарчасидан кучирма.
3. Сўров варақаси (анкета).
4. Шартномада белгиланган миқдордаги маблағ университет ҳисобига ўтганлиги ҳақидаги квитанцияси.
5. 4 дона фотосурат (6/9 хажмида).

Ўқиш муддати - 9 ой. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ҳужжатлар 1998 йил 10 сентябрдан 25 сентябрга қадар қабул қилинади. Ўқишлар 1 октябрдан бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун тел. 55-81-54. 55-50-77.

РЕКТОРАТ

ЭЪЛОН

1992 йилда ишлаб чиқарилган БМВ-735 маркали енгил автомашинага ким ошди савдоси эълон қилинади.

1998 йил 17 сентябргача, соат 9.00 дан 18.00 гача 67-35-09 телефон рақамига мурожаат этинг.

Яккасарой туманидаги 116-мактаб томонидан Неъматов Исломбек Пулатович номига берилган 0Z—E034471 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Республика Ёшлар ва Ўсмирлар олий спорт маҳорати мактабининг директори

Абдуҳамидов Абдуазиз АБДУМАЖИТОВИЧнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, Тошкент вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Амалий фанлар бўлими бошлиғи Баҳром Илҳомовга рафиқаси

Шукринисо ИЛҲОМОВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

М.Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва биология-тупроқшунослик факультети жамоаси биология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ғани КОМИЛОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-18.30. Г. 123456